



**“O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI TARIX
FAKULTETI 90 YOSHDA: TA’LIM VA ILM-FAN MARKAZI”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani maqolalari
TO‘PLAMI**

COLLECTION

**of the International Scientific-Practical Conference on the topic of
“90 YEARS OF THE FACULTY OF HISTORY AT THE
NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN: A CENTER
OF EDUCATION AND SCIENCE”**

СБОРНИК

**материалов международной научно-практической конференции
«ИСТОРИЧЕСКИЙ ФАКУЛЬТЕТ НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА
УЗБЕКИСТАНА – 90 ЛЕТ: ЦЕНТР ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ»**



“O‘zbekiston Milliy Universiteti Tarix fakulteti 90 yoshda: ta’lim va ilm-fan markazi” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman maqolalari to‘plami. – Toshkent, 2025. 1024-b.

Collection of the International Scientific-Practical Conference on the topic of “90 years of the faculty of History at the National University of Uzbekistan: a center of education and science”. Tashkent, 2025. 1024-p.

Сборник материалов международной научно-практической конференции «Исторический факультет Национального Университета Узбекистана – 90 лет: Центр образования и науки». Ташкент, 2025. 1024 с.

Mazkur to‘plamda 2025-yil 17-oktyabrda o‘tkazilgan “O‘zbekiston Milliy Universiteti Tarix fakulteti 90 yoshda: ta’lim va ilm-fan markazi” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumanidagi maqolalar o‘rin olgan.

Mas’ul muharrir: Ответственный редактор: Executive Editor:
s.f.d., prof. A.G. Muminov

Tahrir hay’ati: Редакционная коллегия: Editorial board:
t.f.d., prof., akad. A.S. Sagdullayev, t.f.d., prof. R.X. Suleymanov,
t.f.d., prof. R.X. Murtazayeva, t.f.d., prof. Z.R. Ishanxodjayeva,
t.f.d., prof. X.E. Yunusova, t.f.d., prof. F.B. Ochildiyev,
t.f.d., prof. O.P. Kobzeva, t.f.d., prof. A.B. Xolikulov,
t.f.d., dots. K.D. Saipova, t.f.n., prof. Z.B. Raxmonqulova,
t.f.d., dots. B. Xaynazarov, t.f.d., prof. A.G. Xolliyev, t.f.d., dots. S.I. Gabrielyan,
t.f.d., dots. Sh.Sh. Choriyev, O.U. Muminov, t.f.f.d. B.V. Eshkuvatov,
t.f.f.d., dots. U.A. O’sarov, t.f.f.d., dots. J.E. Tog’ayev, t.f.f.d. S.A. Hamrayev,
t.f.f.d., dots. A.Y. Nazarov, J.X. Adilov, t.f.f.d. T.T. Raishev.

Nashrga tayyorlovchilar: Подготовка к печати: Preparing for printing:
S.A. Hamrayev, J.X. Adilov

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti Tarix fakulteti Ilmiy kengashining 10.10.2025-yildagi 2-sonli yig‘ilishi bayonnomasi bilan nashr etishga ruxsat etilgan.

Maqolada keltirilgan ma’lumotlar va mulohazalar uchun mualliflar shaxsan javobgar hisoblanadi.

76. Абдиназарова Шахноза. 1917 – 1918 йилларда Туркистонда иқтисодий аҳвол: истъеъмолчилар жамияти фаолияти таҳлили асосида.....	731
77. Турсунова Юлдуз. 1918-1920-йилларда Туркистонда совет таълим тизимини жорий этилиши тарихидан.....	734
78. Раҳмонова Сурайё. Ўзбекистон ССРда фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартибини жорий этилиши тарихидан.....	736
79. Дусчанов Расулжон. Ўзбекистон ССР молия халқ комиссарлиги тарихи 1925-1939 йиллар)	739
80. Расулова Нодира. Аппарат коммунистической партии Узбекской ССР и его особенности.....	741
81. Усаров Умиджон. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ССРдаги сув оборлари ва ирригация иншоотларининг ҳолати.....	744
82. Adilov Abror. Ikkinchi jahon urushidan keyingi davrda O‘zbekistondagi diniy holat.....	746
83. Каюмова Руфина. Повседневная жизнь воинов-узбекистанцев на фронтах Второй мировой войны.....	751
84. O‘tegenov Na‘kimbay, Qalbaeva Dilnaz. Totalitar sovet hukumatda qatag‘on siyosati boshqaruv instrumenti sifatida.....	754
85. Эргашева Юлдуз. Ўзбекистон ижодкор зиёлиларига қарши катағонликлар тарихидан.....	756
86. Qosimov Mirjalol. Ikkinchi jahon urushi yillari Ukraina SSR hududlaridagi partizanlik harakatlarida o‘zbekistonliklarning ishtiroki.....	760
87. Maxkamova Ra‘no. Ikkinchi jahon urushi yillari O‘zbekiston xotin-qizlarining respublika qishloq xo‘jaligidagi ishtiroki.....	764
88. Siddiqov Mirshod. Ikkinchi jahon urushi yillarida maktab hayoti: ta‘minot muammolari va o‘qituvchilarning og‘ir turmushi.....	766
89. Войцех Слешиньский. Память и современный мир. Популяризация общей истории в международных отношениях (на примере польско-узбекских отношений).....	770
90. Normatov Otabek. O‘zbekistonda o‘tkazilgan rayonlashtirish masalasi xususida.....	774
91. Рахманова М.Ш. Нижне-Амударьинский экономический район: географический анализ и экономические особенности.....	777
92. Toirova Zamira. Toshkent iqtisodiy rayonining rivojlanish yo‘li (1960-1980 уу).....	779
93. Саидусманов Баҳром. Ўзбекистонда темир йўл транспорт тарихининг ривожланиши (Тошкент вилояти мисолида 1945-1990 й.й.).....	783
94. Саломова Барчиной. Женский журнал «Саодат» в контексте социокультурных преобразований Узбекистана.....	785
95. Пархимович Вячеслав. Особенности внешнеполитической деятельности Шарафа Рашидова.....	788
96. Сулайманова Шохсанам. Шароф Рашидовнинг раҳбарлик фаолияти.....	791
97. Буркитбай Гелманулы Аяган. Рассказ о моем коллеге и друге профессоре Камале Бурханове.....	794
98. Хамраева Танзиля. История возникновения и деятельность государственной статистики в Узбекистане.....	796
99. Акрамова Фазилат. Участие женщин Ферганской долины в промышленности в 1970-1980-х годах.....	799
100. Акрамов Жаҳонгир. 1980 йиллар охири – 1990 йиллар бошларида Ўзбекистонда ижро ҳокимияти модернизацияси.....	802
101. Pulatova Guli. XX asr 60-yillari Qoraqalpog‘iston ASSRda aholiga maishiy xizmat ko‘rsatish sohasida kadrlar masalasi.....	805
102. Сабитова Коринна. Реформы в истории школьного и среднего педагогического образования Узбекистана в период с 1984 по 1991 гг.	807
103. Худайкулов У.К. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги озиқ- овқат хавфсизлиги масаласи.....	809

Ushbu asarda qayd etilganidek, Toshkent SSSR davrida respublikadagi eng rivojlangan iqtisodiy rayon sifatida ajralib turgan va butun O'zbekiston taraqqiyotiga asosiy hissa qo'shgan markazlardan biri sifatida baholanadi [9. B. 248].

Xulosa qilib aytganda, SSSR davrida Toshkent shahri O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy, sanoat va ijtimoiy taraqqiyotida yetakchi o'rinni egalladi. Bu yillarda amalga oshirilgan islohotlar, qurilish va ishlab chiqarish loyihalari natijasida mustahkam sanoat bazasi yaratildi, infratuzilma jadal rivojlandi va aholi turmush darajasi sezilarli darajada oshdi. Toshkent nafaqat yirik iqtisodiy rayon, balki respublika va butun Markaziy Osiyo miqyosida sanoat, fan-ta'lim va madaniyat markaziga aylandi.

Aholining kasb-hunar salohiyati rivojlandi va yangi imkoniyatlar paydo bo'ldi. Shu bilan bir qatorda, shahar taraqqiyoti butun mamlakat uchun ilg'or tajribalarning manbai va yirik iqtisodiy voqea sifatida tan olindi.

Mazkur davr Toshkent shahrining xalq xo'jaligidagi strategik mavqeini mustahkamlashda muhim bosqich bo'lib, keyingi yillarda ham uning yetakchilik salohiyatini orttirishga xizmat qildi. Tarixiy tajribalar chuni ko'rsatdiki, SSSR davridagi taraqqiyoti Toshkentni zamonaviy yirik shahar darajasiga olib chiqdi va bugungi kundagi taraqqiyotiga asos bo'lib xizmat qildi.

Foydalanilgan adabiyotlar :

1. Костеников В.М. “Развитие экономических районов СССР (перспективы и проблемы)”, Москва, Просвещение, 1977.
2. “Ўзбекистоннинг янги тарихи: иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муамлакачилиги даврида”, Шарқ нашриёти, Тошкент, 2000.
3. Развитие и размещение производительных сил экономических районов СССР . – Москва : Наука , 1967.
4. Совершенствование структуры народного хозяйства Узбекской ССР . – Ташкент : Фан , 1987. – С. 72.
5. Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар . – Тошкент : Фан , 1974. – 166 б ..
6. Асанов г. Р., Набихонов М. Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва социал географияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. 138 б.
7. Экономической район в СССР. Узбекистан. Ташкент.1957. 6 с.
8. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70—80-йиллар мисолида): Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун қўлланма. – Тошкент: «Шарқ», 1999. – 114 117 б.
9. Асанов г. Р., Набихонов М. Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва социал географияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. 248 б.

Саидусманов Бахром Абдуганиевич

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Чирчиқ давлат педагогика университети

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ТАРИХИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА 1945- 1990 й.й.)

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда темир йўллардан унумли фойдаланиш муҳим масалага айланди. Фронтни озиқ-овқат, қурол-яроқ ва ҳарбий қисмлар билан таъминлаш соҳа ходимлари зиммасига юклатилди. Ўзбекистон транспортчилари темир йўл бўйлаб фронт учун зарур юклар ташиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. 1945 йилларнинг бошларида Республикада транспорт моддий-техника базаси етарлича ривожланмаганлиги сабабли Тошкент вилоятида транспорт хизмати ниҳоятда паст даражада бўлган. Ушбу йилларда ўлканинг иқтисодий қашшоқлиги боис

Тошкент вилоятининг транспорт билан таъминланганлиги даражаси аянчли аҳвол касб этган. Аксарият аҳолининг оғир турмуш кечирганлиги, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарининг камлиги, Тошкент вилоятининг кўпчилик аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланганлиги каби бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли вилоятни транспортга булган эҳтиёж кўрсаткичи паст суъратларни ташкил этган.

1946 йил 1 январдаги маълумотлар кўра, темир йўлдаги паравоз паркининг 28,5 проценти ремонт қилишга вақти ўтиб кетган ҳолда фойдаланилар эди, паравозлар паркининг 15 процент ремонт талаб қилар эди, бузилиб қолганлиги сабабли кўпгина вагонлар ташлаб қўйилган эди. 1947 йилдан бошлаб қуввати 1000 от эга бўлган ТЭ-1 серияли, 1948 йилдан бошлаб эса 2000 от кучига эга бўлган ТЭ-2 серияли тепловозларнинг жорий қилинганлиги юк ташишни ана шундай кўпайтириш имконини берди. Бу тепловозларнинг фойдали иш коэффиценти 28 процентни ташкил этди. Аммо бу даврда ҳам ФД, СОЭ серияли паравозлар ҳали ҳам асосий тортув кучлари ҳисобланар эди. Вагон паркининг кўп юк сиғадиган вагонлар билан тўлдирилганлиги ҳам юк оборотининг кўпайишига олиб келди. Бу тадбир поездлар оғирлигини 15 процент камайтириш имконини берди.[1, Б. 17]

1960 йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт бирмунча яхшиланиши натижасида транспорт тизимида бир қанча ижобий янгиликлар, яъни поезд хиллари ташкил қилиш графикларининг ўсиб бориши, умумий жойларни камайтириб, йўловчиларга қулай булган купели ва юмшоқ ўриндиқли жойларни кўпайтириш, маданий хизмат кўрсатиш даражасининг ўсиши каби бир қанча қулайликлар яратилди. Бу эса, айниқса, Тошкент вилоятида транспорт тизимининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатиб, шаҳар атрофида қатнайдиغان поездларга йўловчилар ташишнинг ортишига сабаб бўлди. Тадқиқ этилаётган йилларда ҳам темир йўллар асосан Ўзбекистон ҳудудидаги етиштирилган маҳсулотларни ташқари чиқаришда муҳим рол ўйнади. Айни пайтда Тошкент вилоятининг саноат корхоналарига бойлиги бу ерда темир йўллар асосан ҳам ашё ташишда хизмати катта бўлди. Бу даврларда Тошкент вилоятида транспортнинг барча тармоқлари бирмунча яхши ривожланди. Бу ҳудуд Ўрта Осиёнинг республикаларнинг марказий районлари билан боғлайдиган темир йўл, ҳаво ва автомобиль йўллари тугунида жойлашди. Темир йўлларнинг катта қисми электрлаштирилди. Автомобиль йўллари асфальт ва тош йўллардан иборат бўлиб, республиканинг барча ҳудудлари билан боғланди.

Темир йўл станциялари асосан халқ хўжалигининг пахтачилик, қишлоқ хўжалиги йўналишларига хизмат қиладиган соҳаларга йўналтирилган бўлиб, темир йўллар ҳам пахтакор туманларга хизмат кўрсатди. 1935-1936 йиллардан бошлаб темир йўл транспортида йирик ташкилий, техник, хўжалик тадбирлар ҳам амалга оширилди. Уларда асосий эътибор поездлар ҳаракатини тартибга солиш, авариялар ва тўқнашувларнинг олдини олиш масалаларига қаратилди. Тизимнинг моддий таъминотини яхшилаш мақсадида ҳам бир қанча ишлар қилинди. Чунончи, 1933 йилда бутун Иттифоқ бўйича транспорт тизимларига 7,5 млн рубль миқдорида маблағ ажратилган бўлса, 1937 йилга келиб бу миқдор 9,3 млн рублни ташкил қилди. Поездлар ҳаракатини тартибга солиш учун 1935 йилда бутун Иттифоқ миқёсида ягона график ишлаб чиқилди. Техник эксплуатациянинг янги қоидаларини ўзида акс эттирган низом 1936 йил ёзидан амалиётга жорий этилди.[2, Б. 67].

Темир йўлларда нафақат миқдор жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсиш кузатилиб, шағал ташланган мустаҳкам йўллар барпо этилди. Транспорт хизмат кўрсатиш тизимида ҳам талайгина қулайликлар яратилди, жумладан, “Пассажир поездларига эндиликда паравозлар билан бир қаторда ТЭ1, ТЭ2 кейинчалик ТЭ3 тепловозлари ҳам тиркаладиган бўлди, бу эса уларнинг ҳаракат тезлигини оширди”.[3, Б. 28]

Темир йўл орқали табиий бойликларни ва арзонлиги кучи бўлган йўловчиларни ташиш қулай ва иқтисодий самараси юқори бўлганлиги учун Россия Ўзбекистонда темир

йўл қурилишини тез суъратлар билан ривожлантиришга хайрихоҳлик қилди. Ўзбекистон ҳудудида темир йўлларни қуриш ишлари дастлаб 1988 йил Самарқанд станцияси қуриш учун бошланган. 1913 йилда Ўрта Осиё темир йўли ҳозирги чегара бўйича 2711 километр масофани ташкил этади, шундан 1274 километри Ўзбекистон ҳудудига тўғри келиб, атиги 26 километригина Тошкент вилояти ҳудудидан ўтарди. Ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида бундай ўсиш Тошкент вилоятида 1950 йилларнинг бошларида Тошкент-Олмазор Тошкент-Янгийўл Тошкент-Кучлик каби шаҳар атрофида қатнайдиغان поезд маршрутларини йўлга қўйилишига сабаб бўлди. Ўша даврларда транспорт тизими қулай саналган ва иқтисодий жihatдан фойдали ҳисобланган темир йўл тармоқларидан йўловчи ҳамда юк ташиш ишларида энг кўп фойдаланилган.[4, Б. 501]

1951-1958 йилларда республика темир йўли моддий базасини кучайтириш соҳасида катта ишлар қилинди.Цельнометаллический комфортабелли пассажир вагонлар фойдаланишга топширилди. 1950 йилда Ўзбекистон фақат Москва, Душанбе, Фрунзе ва Красноярск шаҳарларига қатнайдиغان поездларга эга бўлса, 1958 йилда республика территориясидан 4 жуфт скорий поезд юрадиган бўлди, Андижон –Москва, Тошкент –Целеноград, Тошкент – Красноярск, Тошкент-Душанба, Тошкент –Хўжайли каби янги йўллар очилди. [5, Б. 32]

Йўлларда мустаҳкамланди, 1958 йилда асосий йўлларнинг 70 процентидан кўпига оғир излар ётқизилди. Шағал тўшалган асосий йўллар узунлиги саккиз йил мобайнида 47 процент микдорида узайтирилди. Пассажир поездларига эндиликда поездлар билан бир қаторда ТЭ1,ТЭ2 кейинчалик ТЭ3 тепловозлари ҳам тиркаладиган бўлди, бу эса уларнинг ҳаракат тезлигини оширди. Пассажирлар поездларининг узунлиги 56 ўк микдорида узайтирилди. Йўлнинг айрим асосий участкаларида пассажир поездларининг ҳаракат тезлиги соатига 90 километрга етди. 1951-1958 йилларда Келес-Хавос участкасида 170 километрлик масофада икки изли йўл қурилди ва 278 километр йўл автоблокировка билан таъминланди. 1958 йилда республикада фойдаланилаётган темир йўлларнинг узунлиги 2238 километрни ташкил қилиб, тармоқларнинг зичлиги жihatдан 100 квадрат километр жойга 0,56 километр йўл тўғри келарди.[6, Б. 95]

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Тошкент вилояти ҳудудида темир йўл транспортининг пайдо бўлиши ва ривожланиши узок йиллик тараққиётга эга бўлди. Ўзбекистонда транспорт тараққиёти билан боғлиқ манбаларнинг далолат беришича, темир йўл транспортининг ривожлантирилиши жамият тараққиётига, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жihatдан ривожланишига муҳим ҳисса қўшган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎзРМДА. И 2-фонд, 8-рўйхат, 277-иш, 17-варақ.
2. Вольфсон Л. Развитие железных дорог СССР. – М.: Трансжелдориздат, 1939. – С. 67.
3. Ғ.Захриддинов. “Ўзбекистонда пассажирлар ташишнинг ўсиши.” Т.-1969й. “Билим жамияти”. –Б.28.
4. Б.А.Саидусманов.“Тошкент вилоятида транспорт турлари шаклланишининг тарихий боскичлари.”Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 2022й. –Б.501.
5. Тошкент вилояти давлат архиви, 1-фонд, 3-рўйхат, 91-иш, 32-варақ.
6. Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959.

Саломова Барчиной Журакуловна
Докторант НУУз

ЖЕНСКИЙ ЖУРНАЛ «САОДАТ» В КОНТЕКСТЕ СОЦИОКУЛЬТУРНЫХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ УЗБЕКИСТАНА

Периодическая печать, как важный инструмент формирования общественного сознания, на протяжении всей истории играла значительную роль в развитии культуры,